

O'ZBEKISTON XALQARO ISLOM AKADEMIYASI  
IMOM MOTURIDIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

# MOTURIDIYLIK

The Maturidiya – الماتريدية – Матуридизм



IMOM MOTURIDIY  
XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER  
المركز الدولي للبحوث العلمية

Tashkent–2021

**TAHRIR HAY'ATI**

1. **Rustam QOSIMOV** – iqtisod fanlari doktori, professor;
2. **Muzaffar KAMILOV** – tarix fanlar nomzodi;
3. **Usmonxon ALIMOV** – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy;
4. **Zohidjon ISLOMOV** – filologiya fanlari doktori, professor;
5. **Davron MAXSUDOV** – tarix fanlari doktori, dotsent;
6. **Shoazim MINAVVAROV** – O'zbekistondagi islam sevilizatsiya markazi direktori;
8. **Ahadjon HASANOV** – tarix fanlari doktori, professor;
9. **Zohidullo MUNAVVAROV** – siyosiy fanlar doktori, professor;
10. **Shovosil ZIYODOV** – tarix fanlari nomzodi
11. **Ahmad Sa'd DAMANHURIY** – falsafa fanlari doktori;
12. **Ashirbek MO'MINOV** – tarix fanlari doktori, professor, (L.N.Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti);
13. **Muhammad NAZIR AYYAD** – Ilohiyot fanlari doktori, (Al-Azhar majmuasining Islom tadqiqotlari akademiyasi bosh kotibi);
14. **Moxanad XURSHID** – Ilohiyot fanlari doktori, (Myunster universiteti huzuridagi Islom ilohiyoti markazi rahbari);
15. **Kamaluddin NURIDDIN MERJUNI** – falsafa fanlari doktori, (Malayziya Islom fanlari universiteti kafedra mudiri);
16. **Sayyid Abubakr MUTTAQIY** – Islom huquqshunosligi bo'yicha doktor, (Afg'onistonning mustaqil ma'muriy islohotlar va davlat xizmati komissiyasining yuridik maslahatlar bo'yicha boshqarma boshlig'i

**MUNDARIJA**

<i>Tabriklar</i>	
<b>Ruštam Qosimov</b> .....	3
<b>Salim ibn Muhammad al-Malik</b> .....	5
<b>Ali Erbaş</b> .....	7
<b>Abdug'ofur Axmedov</b> .....	10
<b>Usmonxon Alimov</b> .....	13
<b>Recep Şentürk</b> .....	17
 <b>Zohidjon ISLOMOV.</b> O'zbekistonda Moturidiylik aqidasini o'rganishga doir ilmiy tadqiqotlar.....19	
 <b>Mustafa CERIĆ.</b> In the Shadow of Quasi-Salafī Ideology: A Need for an Enlightenment from Imām Al-Māturīdī's Sunni SyntheticTheology.....27	
 <b>Ahmed AK.</b> Mürtekib-I kebîre bağlamında İmam Mâturîdî'nin Hâricîlere yönelttiği eleştiriler.....34	
 <b>Avvod Mahmud AVVOD SALIM.</b> العقيدة الماتريدية استقامة المنهج وصفاء المذهب.....41	
 <b>Shovosil ZIYODOV.</b> Moturidiya kalom maktabiga oid yangi manbalar tahlili.....46	
 <b>Sönmez KUTLU.</b> Türkî kavimlerin din anlayışının kurucu unsurları: Hanefilik ve Maturidilik.....53	
 <b>Saidmuxtor OKILOV.</b> İmom Moturidiy davrida aqidaga oid yozilgan asarlar.....64	
 <b>Ramil ADIGAMOV.</b> Базовые принципы учения Абу Мансура ал-Матуриди и его развитие в Волго-Уральском регионе.....68	
 <b>Ahmad Sa'd DAMANHURIY.</b> الماتريدي والماتريدية في عالمنا المعاصر .....76	
 <b>Metin Avcı.</b> Imam Mâturîdî'ye göre imanda artma ve eksilme sorunu.....83	
 <b>Abdullatif Alloqulov.</b> Movarounnahr ilmiy muhitida İmom Moturidiyning tutgan o'rni.....91	



**Зоҳиджон Исломов  
Маҳмудович**

**Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси Илмий шиллар ва  
инновациялар бўйича  
проректори**

**ЎЗБЕКИСТОНДА МОТУРИДИЙЛИК  
АҚИДАСИНИ ЎРГАНИШГА  
ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР**  
**НАУЧНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ  
ДОГМАТИКО-ФИЛОСОФСКОГО  
УЧЕНИЯ МАТУРИДИЗМА В  
УЗБЕКИСТАНЕ**  
**SCIENTIFIC RESEARCH ON THE  
STUDY OF THE DOCTRINE OF  
MATURIDIYYA IN UZBEKISTAN**

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси, диний таълим, диний-маърифий соҳа, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, калом илми, ақида.

**Ключевые слова:** Международная исламская академия, религиозное образование, религиозно-просветительская сфера, корановедение, хадисоведение, исламское богословие (калам), ақида (религиозная догматика)

**Key words:** International Islamic Academy of Uzbekistan, religious education, religious-educational field, Quranic studies, Hadith studies, kalam (Islamic theology), aqeedah.

Янги Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли жабхаларида бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам залворли ислоҳотлар, тубдан янгиланишлар амалга ошмоқда. Юртимизда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш”га ўтиш жараёнида диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар ўзининг аҳамияти билан ажралиб туради. Буни аждодларимизнинг бой миллий-маънавий меросини, хусусан, миллий кадриятларимиз даражасига кўтарилиган қўллёзма меросимизни ўрганиш борасида яққол кўриш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон ислом дини, таълимоти, санъати ва маданиятини дунёга ёйган қадимий

юорт хисобланади. Юртимиздан жаҳон фани ва маданиятига ўзининг серқирра илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган минглаб алломалар етишиб чиқсан. Уларнинг нодир қўллёзма асрлари дунёнинг турли мамлакатлари фондларига тарқалган ва ҳозирда ўша фондларнинг кўрки даражасидаги маънавий бойлигига айланган ҳамда бу халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ эътироф этилган.

Маълумки, Ўзбекистон алломаларининг маънавий мероси дунё бўйлаб тарқалиб, ҳозирда ўша мамлакатлардаги фонdlар ва музейларда сақланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонга дахлдор барча ёзма ёдгорлик-ларни аниқлаш ва уларнинг нусхалари, факсимилеларини юртимизга олиб келиш иши бошланди. Ёзма маънавий меросимизнинг катта қисмини ташкил этадиган исломшунослик соҳасига ҳам тўлақонли илмий йўналиш сифатида қаралиб, ҳам дунёвий, ҳам диний мазмунда умумлаштирилган илмий ёндашув шакллана бошлади. Ушбу соҳаларни илмий жиҳатдан тўғри шакллантириш учун биринчи навбатда асл манбаларни ҳозирги замон ўзбек тилида, ёшлар ва замонавий китобхон тушунадиган тарзда нашр этилиши лозим эди.

Ўзбекистонда Куръони карим матнининг ўзбекча изоҳли таржималарининг яратилиши исломшунослик, хусусан, қуръоншунослик фанининг сезиларли ютуқларидан бўлди. Шайх Усмонхон Алимов, Шайх Абдулазиз Мансур, Шайх Мухаммамад Содик Мухаммад Юсуф, Шайх Аловуддин Мансур каби уламолар томонидан амалга оширилган тафсир ва таржималар аждодларимиз ҳамда ҳозирги кунда биз эътиқод қилиб келаётган ислом дини таълимоти асосларини тўлақонли англашга хизмат қилади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар бугунги кунда жадал давом этмоқда. Жумладан, Шайх Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилаётган Куръони каримнинг янги тўлдирилган изоҳли таржимаси якунланиб, 2018 йил ушбу изоҳли таржиманинг янги нашри амалга оширилди [11]. Олим томонидан амалга оширилган Куръони каримнинг рус тилидаги таржимаси ҳам илм аҳли ва китобхонларга тақдим этилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида олиб борилган илмий изланишларнинг каттагина қисмини ҳам Куръони карим ва унинг тафсирларига бағишланган тадқиқотлар ташкил этади. Бу йўналишда Куръони карим маъноларининг

Учинчи ренессансга тамал тошини қўяётган янги Ўзбекистонда ҳаётнинг турли жабҳалари каби диний-маърифий соҳада ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртимизда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ҳамда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми олий мактаби, Мир Араб олий мадрасаси каби илм-фан, таълим масканларининг очилиши исломшунослик ривожига катта эътибор бериладётганини кўрсатади. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг очилиши ҳам исломшунослик ривожига сезиларли ҳисса бўлиб кўшилди. 2017 йили “Олий илмий, илмий педагогик мутахисисликлар рўйхатига” янги “Исломшунослик” фани соҳаси киритилиб, уннинг доирасида “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Куръоншунослик. Ҳадисшунослик”, “Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт”, “Шарқ мумтоз адабиёти ва манбашунослиги”, “Диншунослик”, “Дин психологияси” ихтиносликлари очилди.

Ушбу мақолада юртимизда мотурийдийлик таълимотини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, эришилган муҳим натижалар ҳакида сўз юритилади.

В новом Узбекистане, закладывающем фундамент третьего Ренессанса, проводятся масштабные реформы в области религии и просвещения, а также в различных сферах жизни. Открытие в нашей стране научных и образовательных учреждений, таких как Центр исламской цивилизации в Узбекистане, Международные научно-исследовательские центры Имама Бухари и Имама Термези, Высшая научная школа хадисов, Высшее медресе Мир Араб, свидетельствует о том, что большое внимание уделяется развитию исламоведения. Открытие Международной исламской академии Узбекистана также внесло значительный вклад в развитие исламоведения. В 2017 году в «Список высших научных, научных и педагогических специальностей» было добавлено новое направление - «Исламоведение», в которое входят «Исламская история и источниковедение», «Коранические исследования», «Хадисоведение», «Фикх, наука калама. Богословие», «Восточная классическая литература и источниковедение», «Религиоведение», «Психология религии».

В этой статье обсуждаются исследования, проведенные в нашей стране по изучению догматико-философского учения Матуридизма и достигнутые важные результаты.

In the new Uzbekistan, which is laying the foundation of the third Renaissance, large-scale reforms are being carried out in the field of religion and enlightenment, as well as in various spheres of life. The opening of scientific and educational institutions in our country, such as the Center for Islamic Civilization in Uzbekistan, Imam Bukhari and Imam Tirmidhi International Research Centers, the Higher School of Hadith, the Mir Arab Higher Madrasah, shows that great attention is being paid to the development of Islamic studies. The opening of the International Islamic Academy of Uzbekistan has also made a significant contribution to the development of Islamic studies. In 2017, a new field of "Islamic Studies" was added to the "List of Higher Scientific, Scientific and Pedagogical Specialties", within which "Islamic History and Source Studies", "Quranic Studies", "Hadith Studies", "Fiqh, Kalam. Theology", "Oriental classical literature and source studies", "Religious studies", "Psychology of religion" specialties were opened.

This article discusses the research conducted in our country on the study of the doctrine of Maturidiyya and the important results achieved.

ўзбек тилидаги таржима ва тафсири билан бир қаторда уларнинг илмий таҳлили ҳам амалга оширилмоқда. «Куръон, тафсир ва муфассирлар», «Куръон оятларининг мазмуний мундарижаси ва унинг маънавий аҳамияти», «Абу Лайс Самарқандийнинг «Бахру-л-улум» тафсири ва унинг Мовароуннаҳр маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни»[1], «Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмida тутган ўрни» [12], «Куръони каримда Исо пайғамбар сиймоси», «Абу Бакр Жассос «Аҳқом ал-Куръон» тафсирининг ҳанафий мазҳаби ривожидаги аҳамияти» мавзуларидаги тадқиқотлар асл манбаларга таянганлиги билан ажралиб туради ва сўнгги йилларда соҳа бўйича амалга оширилган фундаментал тадқиқотлардан ҳисобланади. Бу соҳада амалга оширилган ва

ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳадис манбаларини илмий таҳлил қилиш ҳам исломшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, соҳа бўйича чукур илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мана шу мақсадда Самарқандда ҳадис илмий мактабининг очилиши соҳа ривожига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳадисшунослик манбалари, ҳадис тўпламларидаги матнларни таҳлил қилиш, ҳадис маъноларини тўғри талқин қилиш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Мазкур соҳада «Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Кашфу-л-осор» асари ҳадис илмига оид манба», «Абу Ҳафс Насафийнинг «Китобу-л-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис

илми тарихи бўйича муҳим манба» [17], «Ҳаким Термизийнинг «Наводиру-л-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Мовароуннаҳр ва Ҳоросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)», «Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси», “Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII-IX асрлар Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожидаги ўрни”, “Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асари ҳадис илмига оид муҳим манба”, “Ҳадисларнинг диний ақидапарастликка қарши моҳияти”[19] мавзуларидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Ислом ҳуқуқшунослигига бағишлиланган тадқиқотлар ҳам каттагина ҳажмни ташкил этади. «Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожида Алоуддин Самарқандийнинг ўрни ва «Тұхфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти», «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом Бухорийнинг мавқеи ва унинг «Жомиу-с-саҳиҳ» асаридаги фиқхий масалалар», «Маждуддин Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фиқҳ илми тарихида тутган ўрни», «Абу Зайд Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фиқҳ илми ривожида тутган ўрни», «Бурхонуддин Махмуд Бухорийнинг «Муҳит» асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигига тутган ўрни», «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳабитаракқиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни», «Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фиқҳи Кайдоний» асари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар таҳлили»[13], «Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари – муҳим ҳуқуқий манба», «X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар», «Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фиқхи». «Аловуддин Бухорий «Ҳайрату-л-фуқаҳо» асарининг ислом манбашунослигига тутган ўрни» мавзуларидаги диссертациялар ва улар асосида яратилган монографиялар соҳага оид муҳим тадқиқотлардан саналади.

Илмий аҳамияти билан бир қаторда муҳим амалий қимматга эга бўлган тадқиқотлар ҳам талайгина. Ислом манбалари асосида атама ва ибораларнинг энциклопедик лугатини яратиш ҳам шундай тадқиқотлардан ҳисобланади. Маълумки, шу вақтга қадар яратилган ислом лугатлари бирёзлама ёндашув асосида ёзилган. Мазкур лугатга эса мингга яқин Мовароуннаҳр маънавий муҳитга оид истилоҳлар киритилган.

Сўнгги йилларда Академияда шарқ мумтоз адабиёти, ўзбек адабиётининг нодир кўлёзмаларини аниқлаш, тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилган филологик тадқиқотлар қаторида “Ислом даври шеъриятида аruz тизими ва унинг эволюцион тараққиёти”, “Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар”, “Махмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг манбашунослик ва матншунослик таҳлили”, “Қуръондаги маъоний илми таҳлили”, “Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” достонидаги диний мотивлар”, “Ёқуб Чархий тафсириининг филологик таҳлили”, “Юсуф Саккокийнинг “Мифтаҳу-л-улум” асаридаги тилшунослик назариялари” мавзусидаги илмий ишларнинг алоҳида ўрни бор.

Исломшуносликнинг муҳим соҳаларидан бўлган тасаввуф таълимотини тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, “Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти”, “Рушдий “Тазкиратул-авлиё” асари матнларининг шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти”, “Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳабbat» асари асосида)”, “Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари («Шархи рубоиёт» асари асосида)” мавзуларидаги тадқиқотлар соҳанинг ривожини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлардан саналади.

Ислом дини таълимоти билан боғлиқ замонавий тадқиқотлар мустақиллик йилларида алоҳида оширила бошланди. Мазкур йўналишда “Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари”, “ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида)”, “Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни”, “Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари”, “Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар”, “Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний маърифатнинг аҳамияти” мавзуларидаги тадқиқотлар амалга оширилган.

Исломшунослик, диншунослик ва дин билан боғлиқ бўлган замонавий илмий тадқиқотларнинг

катта қисми диний бағрикенглик, диний оқимлар, динларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, давлат ва дин масалаларига бағишиланган. Замонавий тадқиқотлар доирасида «Дин психологияси» номли ўқув қўлланма, «Исломшунослик», «Диншунослик» қомусий луғатлари, «Глобаллашув ва диний жараёнлар», «Тасаввfu атамалари» изоҳли лугати, «Диний бағрикенглик ижтимоий-психологик феномен сифатида», «Ислом маърифати ва ҳозирги замон», «Жаҳолатга қарши маърифат» [7] каби ўнлаб китоблар нашр этилган.

Дунё эътироф этган ислом цивилизацияси маркази мақомига эга юртимизнинг минглаб алломалари, улар яратган бой илмий маънавий мерос ҳақида маълумот бериш, уни дунёга танитиш юртимизнинг ислом цивилизацияси ривожидаги юксак ўрни ва аҳамиятини илмий асосда чукур ўрганиш ҳамда халқимизга етказища энциклопедияларнинг ўрни катта. Ушбу соҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар «Ислом энциклопедияси»нинг яратилиши Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 2018-2028 йиллар мобайнида энциклопедиянинг 50 мингдан ортиқ мақола, безак материаллари, ҳарита ва чизмалар киритилган 20 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги 5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [20] ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июлдаги “Ўзбекистон халқаро ислом академиясини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [21] асосида бажарилмоқда. “Ислом энциклопедияси” кенг қамровли илмий-академик нашр бўлиб, бундай лойиҳа мамлакатимиз тарихида илк маротаба амалга оширилмоқда.

2020 йили энциклопедиянинг биринчи жилди нашр этилди. Уни нашрга тайёрлаш жараённага юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, диний уламолари жалб этилган. «Ислом энциклопедияси» ўзининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, хусусиятлари билан бошқа шу соҳадаги энциклопедиялардан тубдан фарқ қиласди. Унда айниқса юртимиз алломалари, уларнинг ислом цивилизациясига муносиб улуш бўлиб қўшилган нодир асарлари, шарҳлари, ватанимиздаги ислом

маданияти обидалари, муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларини ёритишга алоҳида урғу берилади. Энциклопедиянинг биринчи жилдини тайёрлашда Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда мамлакатимизнинг бошқа етакчи исломшунослари билан бир қаторда АҚШ, Англия, Туркия, Жазоир, Россия, Қозогистон олимлари ҳам иштирок этди. Унда ислом дини асослари, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва алломалар ҳақида 1000 га яқин илмий маълумотлар берилган [8]. Энциклопедия ўзининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларидан келиб чиқиб, Миср Араб Республикаси, Кувайт, Туркия, Покистон, Эрон, Англия, Германия, Франция, Россия каби давлатларда чоп этилган Ислом энциклопедияларидан принципиал фарқ қиласди. Хусусан, уни тайёрлашда юртимиз ва минтақа мусулмонлари учун анъанавий бўлган ҳанафий-мотуридийлик тамойилларидан келиб чиқилган. Айрим шахслар, воқеа ва атамалар мазкур энциклопедияда илк марта муомалага киритилган. Мақолалар ёзилишида илмий-объективлик принципларига амал қилинган. Уларнинг аксарият қисми бирламчи манбалар (Куръон, тафсир, ҳадис, илмий тадқиқотлар) асосидатайёрланган бўлиб, 30 фоизиминтақамизга оид ҳисобланади. Энциклопедиянинг навбатдаги жилларини тайёрлаш бўйича ишлар давом этмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида исломшуносликнинг муҳим соҳаси бўлган ақида, қалом илми бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [22] ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 06 ноябрдаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари [23] билан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Буюк мутафаккир, мотуридийлик таълимотининг асосчиси имом Абу Мансур Мотуридий ўзи яшаган даврдаёқ замондош олимлар томонидан эътироф этилган ва “Имому-л-мутакаллимин” – “Калом илми

билимдонларининг пешқадами”, “Мусаххиху ақоиди-л-муслимин” – “Мусулмонлар ақидасини тұғриловчи”, “Рофеъ иълему-ш-шариъа” – “Шариат байроқдори”, “Колеъу абобили-л-фитна ва-л-бидъа” – “Фитна ва бидъат тұдаларини тұнтарувчы” каби шарафли номларга сазовор бўлган [9: 11-14]. Дунёда пайдо бўлаётган ғоявий курашлар, дин никобидаги экстремистик ва террористик ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш жараённан мўттадил ақидавий таълимот асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийшунос олимлар илмий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг ақида ва қалом илми ривожига қўшган хиссасини тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асрәб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва маърифий қараашларимизга ёт бўлган заарли таъсирларга қарши мағкуравий иммунитетни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Марказнинг асосий вазифалари сифатида ақида ва қалом илми ривожига бекиёс хисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, ҳалқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялаш, мамлакатда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг қалом илмига оид меросини аниқлаш, тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилишни ташкил қилиш, «жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка чақирувчи ғояларини ҳалққа, айниқса, ёшларга етказиш, мутаассиблик, экстремизмнинг мақсадлари, ғоявий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашишнинг

илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тавсия этиш белгиланган.

Ўзбекистонда Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийшунос олимлар илмий меросини ўрганишга бағишиланган муҳим тадқиқотлар амалга оширилган.

“Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари” мавзусидаги диссертация юртимизда мавзу бўйича амалга оширилган илк тадқиқотлардан саналади [6]. Тадқиқотда Мотуридий ҳаётининг босқичлари, унинг илмий ижодига таъсир кўрсатган муайян тарихий, диний шарт-шароитлар, Мовароуннаҳрда, жумладан Самарқанддаги диний, ижтимоий-сиёсий ҳолат ўрганилган. Абу Мансур Мотуридийнинг X аср биринчи ярмида Мовароуннаҳр тарихида, хусусан Самарқанд шаҳри ижтимоий-сиёсий тарихида тутган конкрет мавкеи аниқланган, олим ижтимоий-сиёсий позициясининг ўзи ишлаб чиқсан таълимотга таъсири даражаси белгиланган, асарларининг нодир қўлёзма нусхалари аниқланган, «Китоб ат-таъвилот» асари илмий истифодага киритилиб, таълимотнинг Мовароуннаҳрдаги тарихи ва эволюцияси жараёни тўлиқ очиб берилган. Шунингдек, «Китоб ат-таъвилот» асарининг таркибий қисмлари ҳамда ёзилиш услублари, шунингдек Мотуридийнинг ушбу асари ёрдамида қалом таълимотининг янги кирралари аниқланган ва илмий далиллар билан очиб берилган. Мотуридийликтаълимотидамавжудоламнибилиш ва инсонда ирода эркинлиги масалаларига оид янги қараашлар манбадаги маълумотлар асосида ёритиб берилган. Тадқиқотда Мовароуннаҳрдан етишиб чиқсан олимларнинг мотуридийлик таълимотига бағишиланган асарлари ҳамда уларнинг ушбу қалом мактабининг ривожланишига қўшган хиссалари кўрсатиб берилган [5: 32-37].

С.Оқилов “Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган хиссаси” мавзусидаги тадқиқотида ҳам мазкур таълимотни ёритган. Тадқиқотда Мовароуннаҳрда қалом илмининг ривожланиш жараёнлари, IX-X асрларда қалом илмининг ривожланиши ва бунда Абу Мансур Мотуридий илмий меросининг тутган ўрни, ушбу таълимотга бўлган муносабатлар ўрганилган. Олимнинг қалом илмига бағишиланган “Табсирату-л-адилла” асари илмий таҳлил қилинган ва ушбу асарнинг дунё фондларидағи қўлёзмалари кодикологик

тавсифланган [14: 21-23]. Асар калом илмига багишиланган мутакаллимлар томонидан турли даврларда ёзилган манбалар билан қиёсланган ва илмий таҳлил қилинган.

Муаллиф Абу-л-Муъин Насафийнинг калом илмига оид илмий меросини комплекс равишда биринчи бор тадқиқ этган. Маълумки, ушбу асар Абу Мансур Мотуридий “Тавхид” китобининг ilk шарҳи сифатида танилган. Мазкур шарҳнинг юксак илмий савияси сабабли у дастлаб Мовароуннаҳрда сўнгра мусулмон дунёсида кенг тарқалган. Бу эса ўз навбатида мотуридийлик таълимотининг кенг қўламли ёйилишига ижобий таъсир кўрсатган. Тадқиқотда мазкур икки асарнинг кенг қамровли қиёсий таҳлили амалга оширилган. “Табсирату-л-адилла” асарининг мотуридийлик номи билан аталган таълимотнинг пайдо бўлиши ва бу таълимотнинг дастлаб Мовароуннаҳрда сўнгра мусулмон мамлакатларига ёйилишидаги хизматлари очиб берилган.

Калом илми ривожига насафлик олимлар катта ҳисса қўшганлар. Шулар жумласида Абу Ҳафс Умар Насафийнинг муносиб ўрни мавжуд. “Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили” мавзусидаги тадқиқот ҳам бу йўналишдаги йирик тадқиқотлар сирасига киради. Тадқиқотда XI–XII асрларда Мовароуннаҳрдаги ақоид илмлари ривожига оид диний-мағкуравий муҳит хусусиятлари тарихий-диний тадқиқотларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш орқали амалга оширилган. Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти, илмий мероси ва уларнинг қўлёзма нусхалари, таржималари, замонавий шарҳлари аниқланган, олимнинг тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақида соҳалари ривожига қўшган муносиб хизматлари очиб берилган. “Ақоид” асарининг жаҳон фондларидағи қўлёзмаларини аниқланиб, улар манбашунослик, исломшунослик нуқтаи назаридан кодикологик тавсифланган. Асарда келтирилган маълумотлар асосида аҳли сунна ва-л-жамоанинг диний-мағкуравий хуружларга қарши бериладиган далиллари келтирилган [3: 62-67].

Абу Ҳафс Насафийнинг имон, усулу-д-дин, тавхид, хижрат, богий, жиҳод, бидъат ва такfir тушунчаларига аҳли сунна ва-л-жамоа таълимоти асосида янгилangan таърифларнинг берилганлиги тадқиқотнинг янгилиги сифатада аҳамиятга молик. Шунингдек, ислом тарихидаги мұтазила,

мушаббиҳа, мужассима каби йигирмадан ортиқ оқимларга раддия бериш методологияси тизимга солинган. Олимнинг муфассир сифатидаги фаолияти жумладан, унинг “Тайсир фи-т-тафсир” ва “Тафсири Насафий” асарлари тадқиқ этилган, илмий истифодага киритилган. Асарнинг илмий аҳамияти унинг араб, урду, турк тилларида замонавий шарҳлар ёзилишига хизмат қилган ва мазкур шарҳлар мусулмон дунёсида эътиборга молик манбалардан ҳисобланади [2].

“Абу-л-Муин Насафий илмий меросининг Мовароуннаҳр калом таълимоти ривожидаги аҳамияти” мавзусидаги “Фиқҳ, калом илми. Илоҳиёт” ихтисослиги бўйича ёзилган тадқиқотда Абу-л-Муин Насафийнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси, адашган фирмалар эътиқодини тўғриловчи ахлу-с-сунна ва-л-жамоа илғор фикрли алломаси ҳамда Мовароуннаҳрга хос бўлмаган, ноанъанавий диний-ақидавий гояларга қарши қурашнинг назарий асосчиси сифатидаги фаолияти Қуръон ва ҳадис, урф ва қиёс йўли билан асосланган, алломанинг «Табсирату-л-адилла» ва «Ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавхид» асарларида баён этилган – диний муттаассибликни, фирмалараро мутаносибликни келтириб чиқарувчи ақидапарастликни тўғриловчи таълимотининг моҳияти ахлоқий етуклик, маънавий баркамоллик, соф эътиқодий барқарорлик гояларига асослангани очиб берилган. [4].

“Саъдуддин Тафтазонийнинг темурийлар даври мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги тадқиқотда темурийлар даври Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий, маънавий муҳити, маҳаллий олимларнинг мотуридия таълимотига оид илмий мероси, хусусан Саъдуддин Тафтазонийнинг асарлари тадқиқ этилган. Олимнинг калом илмига оид “Шарҳ ал-Ақоид ан-насафия”, “Мақосид ат-толибин фи усул ад-дин”, “Шарҳ ал-Мақосид”, “Фояту таҳзиб ал-калом фи таҳrir ал-мантиқ ва-л-калom” асарлари, уларга ёзилган шарҳ, ҳошия, таъликлари аниқланган ҳамда олимнинг ақидавий масалаларни таснифлаш, далиллаш услублари таҳлил қилинган [16: 307-311].

Мотуридия таълимоти шартли равишида “асос солиниш”, “шаклланиш”, “ривожланиш”, “кенг ёйилиш” каби тадрижий босқичларни босиб ўтган ва Саъдуддин Тафтазонийнинг юкоридаги ақидавий асарлари таълимотнинг кенг ёйилишида

мухим омил бўлган. Жумладан, алломанинг асарлари усмонлилар шайхулисломи Шамсуддин Мухаммад ибн Ҳамза Фанорий Ҳанафий (751-834/1350-1431) орқали мамлакат худудига ҳам кенг тарқалган, расмий таълим даргоҳларида асосий дарслик сифатида ўқитилган. Аллома меъроҳ масаласида ҳамма жисмлар таркибий тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиши, бошқа жисмлар осмонга кўтарилигани сингари инсон ҳам самога чиқа олиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлари билан замонавий астрофизика, кимё фанларига оид илмий-назарий гипотезаларни илгари суради ҳамда аниқ ва табиий фанларга тааллуқли қонуниятларни мотуридия таълимотида ҳам кўллаганини исботлашга уринади. Саъдуддин Тафтазоний ҳанафий-мотуридий олимни бўлишига қарамасдан, шофиий, моликий, ҳанбалий мазҳаблари учун ҳам бирдек аҳамиятли эканлиги Зайнуддин Қосим ибн Кутгубуғо Ҳанафий (802-879/1399-1474), Бадруддин Муҳаммад ибн Абу Бақр Моликий (763-827/1362-1424), Жалолуддин Абдураҳмон ибн Абу Бақр Суютий Шофиий каби машҳур 17 та олим фикрларига таянган ҳолда асосланган[15].

“Абу Жаъфар Таҳовийнинг «Ақида» асари ва унинг шарҳлари – ҳанафийлик таълимотига оид манба” мавзусидаги тадқиқот юртимизда машҳур бўлган ақидавий манбалардан бирига бағишлиланган. Маълумки, Абу Жаъфар Таҳовий дастлаб шофиийлик мазҳаби намоёндаси бўлган. Унинг мўътадил таълимот сифатида диний бағрикенгликка асосланган ва мутаассиблиқдан холи тамойиллари таъсирида ҳанафийлик мазҳабига ўтган ва унинг иш сабаблари очиб берилган. Абу Жаъфар Таҳовий ва Абу Мансур Мотуридийларнинг ҳанафийлик эътиқодига оид масалаларни баён қилишдаги ўзига хос қарашлари қиёсий асосда очиб берилган [18].

Тадқиқотлардаги концептуал хуносалар, назарий ва амалий ишланмалар, чоп этилган нашр ишларидан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлаш, мутаассиблиқ, экстремизм ва терроризмнинг асл мақсадини фош этишга қаратилган самарали усул-услубларини ишлаб чиқиш, ёш авлодни миллий ва диний қадрияларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларида тарғибот-ташвиқот, малака ошириш ишлари, ўқув семинар, давра сухбатларини ўтказиш жараённада самарали истифода этилмоқда.

Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва халқ таълими мактабларида «Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари», «Диншунослик асослари», «Дунё динлари тарихи» фанларини ўқитишида, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний ўқув билим юртларининг ўқув жараённада, шунингдек Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги «Ислом тарихи», «Куръоншунослик», «Хадисшунослик», «Тасаввуф», «Ислом ва ҳозирги замон», «Динлардаги оқимлар ва секталар», «Ахборот истеъмоли маданияти», «Дин фалсафаси», «Дин социопсихологияси», «Дин психологияси», «Ислом манбашунослиги» [10] каби фанларни ўқитишида кенг фойдаланилмоқда.

Исломшуносликка бағишлиланган тадқиқотлар ўзининг илмий-назарий асослари, асл манбаларнинг истифода этилиши, холислиги билан ажралиб туради ва улар жамиятда баркамол шахсларни шакллантириш, комил инсон сифатида тарбия топишига хизмат қиласди.

## НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда исломшуносликнинг илмий, назарий асосларини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган муҳим ишларнинг маълум қисми диссертациялар, монографиялар ва илмий маколаларда ўз аксини топган. Жумладан, биринчи марта олий малакали илмий кадрлар рўйхатига янги «Исломшунослик» мутахассислиги киритилди. Ушбу мутахассислик таркибига «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Куръоншунослик, ҳадисшунослик», «Фиқҳ, қалом илми. Илоҳиёт», «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» ихтисосликлари киритилган ва юқоридаги ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгаш очилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Илмий кенгашда исломшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишлиланган илмий тадқиқотлар натижасида шаклланган диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Қиска муддатда кенгашда 26 та фалсафа доктори ва 8 та фан доктори диссертациялари муваффақиятли ҳимояси амалга оширилди. Мазкур соҳаларга тайёргарлик босқичи сифатида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида докторантурда очилган ва ҳозирда 61 нафар докторант таълим олмоқда. Исломшунослик

фанлари мутахассислигида калом илмининг ажратилганлиги унга берилаётган эътиборни кўрсатади.

Юртимиздаги ислоҳотлар натижасида исломшунослик соҳаси янада юқорироқ ривожланиш палласига ўтди. У нафақат республикамиз, балки халқаро нуфуз доирасига кириб бормоқда. Жумладан, Академияда жаҳонда маданиятлараро, динлараро мулоқот соҳасидаги ҳамкорликни ҳамда ўзаро илмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси очилди.

Академияда ISESCO (Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти) маҳсус кафедраси ҳам очилди. У 2017 йилнинг 26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўз фаолиятини бошлаган. 2017 йилнинг 22–25 май кунлари Ўзбекистон делегацияси ICESCO Бош қароргохи Марокаш пойтахти Работ шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб, «Ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO» кафедрасини ташкил этиш юзасидан Англашув меморандумини имзолади. Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чукурлаштирилган маҳсус курсларни ўқитишдан иборат.

Академия таркибида “Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси, “Араб тили ва адабиёти Ал-Азҳар” кафедраси ҳам очилган. Ҳозирги кунда бу кафедралар жадал халқаро ҳамкорлик ишларини бошлаб юборган.

Академияга халқаро мақом берилганлиги муносабати билан ўтган қисқа муддат ичida Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркияning Ибн Халдун, Истанбул, Салжуқ, Кастамону, Индонезияning Жакарта Саҳид университетлари, шунингдек Буюк Британия, Қозогистон давлатлари олий таълим муассасалари ва марказлари билан Англашув меморандуми имзоланган ва ҳозирда улар бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Академияга Европа, Африка, Америка, Австралия ва Осиё мамлакатларининг 20 дан ортиқ давлатларидан ташриф ва мурожаатлар амалга оширилганди. Айниқса, Миср Араб Республикаси Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, исломшунос олим Аҳмад ат-Тойиб

бошчилигидаги делегация, Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Ҳажжар бошчилигидаги делегациянинг ташрифлари халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари томонидан ўндан зиёд мамлакатга йигирмага яқин хорижий илмий сафарлар ташкил этилди. 2018–2019 ўкув йилида Академияга 5 нафар хорижий талаба ўқишига қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳужжатлари асосида хорижий талабаларни ўқишига қабул қилиш ҳамда чет эллик профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш бўйича хукуқий база яратилди. Шунингдек, Академия магистратура ва докторантурасига ҳам хорижлик талабаларни қабул қилиш режалаштирилган.

## ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистонда дунёвий ва диний билимлар уйғунлигига мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси да Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом хукуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш устида ишламоқда. Республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўкув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш, ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган холда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан шугулланмоқда. Шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим ресурсларини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш, малакали хорижий мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш, Академия мутахассисларини нуфузли хорижий олий диний таълим ва илмий муассасаларга

малака ошириш ҳамда тажриба ортириш учун юбориш каби муҳим вазифаларни амалга оширишни назарда тутади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннахр тафсиршунослигига тутган ўрни. –Тошкент, “Мовароуннахр”, 2013. – 216 б.
2. Аллоқулов А. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент. 2018.
3. Аллоқулов А. Умар Насафий ва унинг “Ақоид” асари таҳлили // Тошкент ислом университети Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент, 2016. – № 4. – Б. 62-66.
4. Даминов Э. Абу-л-Муин Насафий илмий меросининг Мовароуннахр калом таълимоти ривожидаги аҳамияти, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. Тошкент. 2019.
5. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва калом таълимоти // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2000. – № 3. – Б. 32–37.
6. Зиёдов Ш. Абу Мансур Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари / Монография. Тошкент: «Фан» нашрёти. 2009, 140 б.
7. Илмдан бошқа нажот йўқ. Муаллифлар жамоаси. – Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.
8. Ислом энциклопедияси. Тошкент. 2020.- 495 б.
9. Исломов З. Абу Мансур Мотуридий илмий мухити. Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами. 2020. –Б.11-14.
10. Исломов З.,Махсудов Д., Тохиров Ж. Ислом манбашунослиги. Дарслик. Тошкент.2019.
11. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Шайх Абдулазиз Мансуров. Тошкент. 2018.
12. Махсудов Д. Абул Баракот ан-Насафий ва унинг “Мадорик ат-танзил ва ҳақоқ ат-таъвил” асари”. – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. – Б. 198.
13. Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафий. – Тошкент. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. - 32 б.
14. Оқилов С. «Табсират ал-адилла»нинг қўлёзма нусхалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2003. – № 1. – Б. 21-23.
15. Палванов У.Саъдуддин Тафтазонийнинг темурийлар даври мотуридия таълимоти ривожига кўшган хиссаси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент.2020.
16. Palvanov O'. Allamah Sa'duddin al-Taftazani: prominent scholar of the hanafi-maturidi school // International Scientific Journal, Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA, 2019. Issue: 06 Volume: 74. – P. 307-311.
17. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 40.
18. Сагдиев Ҳ. Абу Жаъфар Таҳовийнинг «Ақида» асари ва унинг шарҳлари – ҳанафийлик таълимотига оид манба. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент.2017.
19. Тажиев А. Диний бағрикенгликнинг ҳадислардаги ифодаси// Имом Бухорий сабоқлари.- Самарқанд. 2019.№3.-Б.66-67.
20. <https://lex.uz/docs/3686277>
21. <https://lex.uz/docs/3791929>
22. <https://lex.uz/docs/4945427>
23. <https://lex.uz/ru/docs/5084643>

